

Сийрат дарслари (96-дарс). Қачон жанозани кўрсангиз, ўрнингиздан туринг!



15:14 / 31.07.2020 2914

392. Омир ибн Робиъа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирингиз жанозани кўрса, агар у билан бирга юрмаётган бўлса, у жанозадан ўтиб кетгунча ёки жаноза олдидан ўтиб кетгунча ёхуд жаноза қўйилмагунча ўрnidан турсин»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

393. Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қачон жанозани кўрсангиз, ўрнингиздан туринг. Ким унга эргашиб борса, ерга қўйилмагунча ўтирмасин»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

394. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Бир жаноза ўтган эди, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга ўринларидан турдилар ва биз ҳам турдик. Шунда биз: «Эй Аллоҳнинг Расули, у яҳудий-ку!» дедик. **«Албатта, ўлим даҳшатли нарсадир. Қачон жанозани кўрсангиз, ўрнингиздан туринг»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан